

ЗЗ0.ЗЧ1 (0Ч3.3)

К25

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК 336.256:368.025.6(575.1)

Каримова Комила Данияровна

**КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШДА РИСКЛАРНИ БОШҚАРИШ**

08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”

**Иқтисод фанлари номзоди
иљмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация**

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2008

330,341(бчз.з)

К 25

Диссертация иши Тошкент Молия институтида бажарилган.

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Ваҳобов Алишер Восикович.

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Иминов Одилжон Каримович;

иқтисод фанлари доктори, доцент
Бобакулов Тўлкин Ибодуллаевич.

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Молия
вазирлиги.

Химоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги
иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар
химояси бўйича Д.005.25.01. ракамли Бирлашган Ихтинослашган кенгашининг
2009 йил «16 » июн соат 16⁰⁰ да ўтадиган мажлисида
булади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Ҳамидулла Орипов кўчаси, 16-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси
кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2008 йил «16 » июн да таркатилди.

Бирлашган Ихтинослашган
Кенгаши илмий котиби,
иқтисод фанлари номзоди

7. м

Ф. Мирзаев.

I. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарбилиги. Бозор иктисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб миллий иктисодиётнинг пойдевори хисобланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишига алоҳида эътибор қаратила бошланган.

Мустақиллик йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш ва ривожланишининг ҳукукий-институционал асосларига оид қатор иктисодий конунлар, меъёрий ҳужжатлар қабул килиниб ва амалиётга жорий этилмоқда. Ахолининг тадбиркорлар, мулқорлар қатлами ушбу соҳани танлаш ҳисобига турмуш фаровонлигини яхшилаб, соликлар ва мажбурий тўловларни ўз вактида тўлаш билан давлат бюджетини даромадлар кисмини шакллантиришига хисса қўшмоқда. Президентимиз И.А. Каримов кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятида содир бўлаётган ижобий жараёнлар хусусида тўхталиб: “2008 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 48 фоизга, 2010 йилга бориб эса 50-52 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳасининг салмоғини тегишли равишда 45 ва 49 фоизга етказиш учун бугун барча асосларимиз бор. 2010 йилда янги ташкил этилаётган иш ўринларини касаначилик асосида 250 мингтага етказиш лозим”¹, дейа таъкидлайдилар.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини яқин йилларда 50-52 фоизга етказиш вазифаси кўйилмоқда. Ушбу максадга эришиш учун кичик бизнес субъектлари молиявий баркарорлиги қатъий таъминланишига қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва изчил амалга оширилиши лозим. Иктисодий амалиётдан маълумки, кичик бизнес корхоналарининг йирик корхоналарга нисбатан турли молиявий, сиёсий ва экологик рискларга дуч келиш ҳавфи анча юқори. Шу боис, кичик корхоналарнинг молиявий баркарорликка эришишида рискларни бошқариш масаласи мухим аҳамиятга эга. Шунингдек, мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш даврида кичик бизнес субъектларини рисклардан маълум даражада химоя килишга қаратилган суғурта операциялари тўлиқ шаклланиб улгурмаган. Юқоридағилардан келиб чиқкан холда, ушбу мавзу иктисодиётни эркинлаштириш босқичида долзарб ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган илмий муаммо хисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кичик бизнес корхоналари молиявий баркарорлигини таъминлашнинг назарий муаммолари хорижлик иктисодчи олимлар Д.Бланд, А.А.Гозденко, С.Л.Ефимов, Е.В.Коньшин, Л.И.Рейтман, Д.Форесъети, ва Д.Хэмптонларнинг илмий изланишларида тадқиқ этилган.

Ўзбекистонлик иктисодчи олимлар М.И.Альмардонов, А.В.Вахобов, Ш.Б.Имомов, О.К.Иминов, З.Й.Йўлдошев, Х.Н.Жамолов, Т.С.Маликов, Ф.И.Мирзаев, О.О.Олимжонов, Н.Х.Ҳайдаров, М.Ш.Шарифхўжаев,

¹ Каримов И. А. “Инсон манбағлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош максадидир”–Т.: Ўзбекистон, 2008. – 34 б.

Х.М.Шеннаев, Ф.К. Яхшибоевлар эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги рискларни бошқаришнинг айрим жихатларини тадқиқ этишга муносабиҳ ҳиссаларини кўшишган.

Умуман, иктисодий адабиётда иктисодиётни эркинлаштириш босқичида кичик бизнес корхоналари молиявий баркарорлигини таъминлашда рискларни бошқариш мустакил илмий-тадқиқот обьекти сифатида таҳлил этилмаган. Ушбу илмий муаммонинг долзарбилиги, илмий-амалий аҳамиятга эгалиги ва иктисодий адабиётда етарли даражада чукур тадқиқ этилмаганлиги сабабли, ушбу муаммо тадқиқот мавзуси сифатида танланшига асос бўлди.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари билан боғликлиги. Диссертация иши Тошкент Молия институти илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади — кичик бизнес корхоналари молиявий баркарорлигини таъминлашда рискларни самарали бошқаришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чикишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

- кичик бизнес корхоналари тараққиётининг аҳамияти, конуниятлари ва самарали фаолият кўрсатиш тамойилларини ўрганиш;
- кичик бизнес корхоналари молиявий баркарорлигини таъминлашнинг зарурлиги, моҳияти, вазифалари ва ривожланиш омилларини тадқиқ этиш;
- рискларнинг назарий асослари ва уларни корхона фаолиятига таъсирини таҳлил этиш;
- молиявий баркарорликни таъминлашда рискларни бошқаришнинг самарали усуулларини кўллаш юзасидан хориж тажрибаларини ўрганиш;
- корхона молиявий баркарорлиги ва ижобий молиявий холати мезонларини таҳлил этиш;
- корхона фаолиятига таъсир этувчи молиявий рискларнинг таснифи ва таҳлилини ишлаб чикиш;
- корхоналарда рискларни бошқариш сиёсати вазифалари ижросининг холатини таҳлил этиш;
- кичик бизнес корхоналари молиявий баркарорлигини таъминлашнинг концептуал асосларини такомиллаштириш йўналишларини аниклаш;
- рискларни диверсификациялаш жараёнини чукурлаштиришни ички омили сифатида тадқиқ этиш;
- рискларни суғурта механизми орқали камайтириш истиқболларини асослаш.

Тадқиқот обьекти – республикамиз миллий иктисодиётидаги фаолият кўрсатадиган кичик бизнес корхоналари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети – Ўзбекистон Республикасида фаолият юритадиган кичик бизнес корхоналарининг ўзаро ва давлат билан содир бўлаётган иктисодий муносабатларидан иборат.

Тадқиқот методлари. Диссертацияда киёсий таҳлил, тизимли баҳолаш, гурухлаш, иктисодий-статистик таҳлил кўлланилди.

Ҳимояга олиб чикилаётган асосий ҳолатлар:

- иктиносидётни эркинлаштириш босқичида кичик бизнес субъектлари рискларини самарали бошқариш имконини берувчи ва уларга ҳар томонлама комплекс илмий-услубий ёрдам кўрсатувчи умумлашган тизим ишлаб чиқилди;
- иктиносидётнинг реал секторида баркарор иктиносидий ўсишни, кичик бизнес субъектлари молиявий барқарорлигини таъминлаш максадида рискларни самарали бошқариш стратегияси ишлаб чиқилди;
- иктиносидётда кичик бизнес улуши ва саломгини оширишга қаратилган рискларни диверсификациялаш бўйича амалий тавсиялар килинди;
- кичик бизнес субъектлари рискларни бошқариш ва ушбу рискларни суғурталаш максадида амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан амалий тавсиялар берилди.

Илмий янгилиги:

- кичик бизнес корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлаш, рискларни бошқаришни ўзаро уйгунлашуви, уларнинг назарий асоси ва амал килиш қонунчигитлари иктиносидий адабиётда илк бор тадқик қилинди;
- кичик бизнес корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлашда рискларни бошқариш бўйича ривожланган давлатларнинг илгор тажрибасини Ўзбекистонда ижобий кўллаш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;
- кичик бизнес субъектларининг молиявий барқарорлигини назарий асослари ва омиллари бўйича тегишли амалий таклифлар ишлаб чиқилди;
- рискларни диверсификациялашнинг методологик асослари тадқик этилди;
- корхона фаолиятига таъсир этувчи рисклар таснифи ва таҳлилининг услубиёти ишлаб чиқилди;
- корхоналарда молиявий рискларни бошқариш сиёсатини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;
- рисклар диверсификациялаш жараёнини чукурлаштиришнинг ички омили сифатида тадқик этилди;
- рискларни суғурта механизми орқали камайтиришнинг истиқболлари таҳлил қилинди.

Тадқикот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқикот ишининг илмий аҳамияти шундаки, диссертациянинг илмий хуносаси ва амалий таклифлари Ўзбекистон Республикасида иктиносидётнинг эркинлашуви шароитида кичик бизнес корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлашда рискларни бошқаришни янада такомиллаштириш ва уларнинг олдини олиш йўлларини ривожлантириш, мамлакатимизнинг кичик бизнес корхоналари фаолияти молиявий натижаларини баҳолаш ва уларнинг самарадорлигини оширишга маҳсус багишланган истиқболда амалга ошириладиган илмий тадқикот ишларида муҳим аҳамиятга эга. Тадқикот ишининг амалий аҳамияти шундаки, тадқикот ишининг амалий тавсияларидан кичик бизнес фаолиятини молиявий барқарорлигини

таъминлашда рискларни бошқариш бўйича давлатнинг максадли дастурлари, карорлари, услугий кўрсатмаларини ишлаб чиқишида кўллаш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертация ишида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси (2008 йил 17 июндаги 1263-сонли далолатнома), Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни кўллаб-куватлаш давлат кўмитаси (2008 йил 20 июндаги ГХ 01-119-сонли далолатнома), АТБ “Микрокредитбанк” (2008 йил 12 июндаги 01-10/2369-сонли далолатнома) томонидан амалиётда кўллаш учун қабул қилинган. Тадқикот ишининг материалларидан Тошкент Молия институтида “Тадбиркорлик ва кичик бизнес асослари”, “Рискларни бошқариш” маҳсус курслари ўкув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишида фойдаланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертациянинг хулоса ва натижалари “Поддержка предпринимательской деятельности в высшем образовании” (Ташкент, 2007), “Роль малого бизнеса и частного предпринимательства в повышении занятости населения” (Гашкент, 2008) мавзуларидаги халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён қилинган ва маъкулланган. Тадқикот иши Тошкент Молия институти, Ижтимоий-иктисодий тадқикотлар маркази, Тошкент Давлат иктисодиёт университети бирлашган илмий семинарлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси илмий мувоффиклаштирувчи кенгаши мажлисида муҳокама қилинган ва химояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Илмий ишнинг асосий ғоя ва тавсиялари 1,5 б.т. ҳажмидаги 7 та мақола ва маъруза тезисларида эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқикот иши таркиб жиҳатдан кириш, уч боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, 11 та расм, 12 та жадвал ва иловалардан иборат. Диссертация матни 162 бетни ташкил этади.

II. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тушунчалари иктисодий адабиётда турлича талкин этилган. К.Р.Макконелл, Л.Брюс “Экономикс” дарслигининг муалифлари хусусий секторни маҳсус инсоний ресурс сифатида қабул қиласидар. Уларнинг фикрича, “кичик бизнес – бу шундай соҳаки, у товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарилиши жараёнида ер ресурслари, капитал ва меҳнатни бирлаштириш бўйича ташаббусни ўз зиммасига олади, бизнесни юритиш жараёнида асосий карорлар қабул қиласиди. Бундан ташкири, мазкур соҳа янгилик яратувчи бўлиб, тижорат асосида янги маҳсулотлар, янги ишлаб чиқариш технологиялари ёки бизнесни ташкил этишнинг янги шаклларини ишлаб чиқаришга интигувчи, таваккалчилик билан иш тутади”.²

² Макконелл К.Р.,Брюс. Л. Экономикс. Т-1, М.: 1992, - с.38.

Бошка хорижий олимлар эса, “хусусий секторни хусусий шахслар, корхоналар ёки ташкилотлар томонидан моддий бойликларни яратиш, ишлаб чиқариш, товарларни харид килиш ёки сотиш бўйича манбаатдор шахслар ёки ташкилотлар билан ўзаро манбаатли хамкорлик асосида, хизматлар кўрсатишини амалга ошириш сифатида тушунадилар”³.

Хозирги иктиносидий адабиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти тўғрисида ягона илмий ёндаувга келингани йўқ. Масалан, А.В.Бусыгин хусусий секторга фойда олиш мақсадидаги иктиносидий фаолликтининг маҳсус тури сифатида таъриф беради. “Бу фаолиятнинг мақсади деб, шундай товарни ишлаб чиқариш ва сотишни тушунадики, у бозорда талабга эга бўлиб, тадбиркорга фойда келтириши лозим бўлсин”.⁴ У кичик бизнесни иктиносидий фаол соҳа деб хисоблаб, бунинг асосини фойда олишга йўналтирилган мақсадли фаолият, тадбиркорлик фаоллигини эса, фойда олиш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича фаолиятнинг ўзини тушуниш тарзида ифодалайди. Натижада, кичик бизнес тушунчасининг мазмуни бозорда талабга эга бўлган маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича мақсадли фаолиятни англатади.

Иктиносидчи олим Ш.Сайитбоев “тадбиркорлик – фуқаролар ёки алоҳида фукаро томонидан амалга оширилувчи, таркибида молиявий, маънавий, ижтимоий масъулиятни камраб олувчи, ёлланма меҳнатни жалб этиб, бозор эҳтиёжларига йўналтирилган, ташаббускорликка асосланган хўжалик фаолиятидир. ...корхонани ташкил этувчи ва шахсий манбаатлари йўлида уни бошқарувчи киши – бу тадбиркордир”, деб таъриф беради.

Шу билан бирга, муаллиф тадбиркорлик фаолиятини ишлаб чиқаришни шахсий манбаатдор бўлган жисмоний шахсларга тегишли хисоблаб, у юридик шахс сифатида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш хуқуки берилган корхоналар тўғрисида фикр юритмайди. Ваҳоланки, хусусий секторда хўжалик юритувчи субъектларнинг иктиносидий фаолияти якка тадбиркорларнинг ўзаро яхлитлиги тарзида юзага чиқади. Унинг кичик бизнес ва тадбиркорликка бўлган қарашларида хусусий тадбиркорларнинг фақаттинга шахсий манбаат олишига катта ургу берилади. Бизнингча, ушбу ёндаув тадбиркор мулкка эгалик қиласан ва ишлаб чиқариш фаолиятини олиб борган тақдирдагина ўринли бўлади.

Кичик бизнес корхоналари хусусий секторнинг базавий заминини ташкил этади, улар индивидуал хусусий мулкка асосланган товар ишлаб чиқарувчилардан иборатдир. Аммо хусусий секторда корпоратив хусусий мулкчиликка асосланган корхоналар ҳам мавжуд бўлиб, бу давлат улуши бўлмаган акциядорлик жамиятларидаги кичик корхоналардан иборатдир.

Кичик бизнес, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг техникавий даражаси унча юксак бўлмаганидан унинг капитал сигимкорлиги пастилиги билан ҳам

³ Сервач-Шрейбер Ж.Л. Ремесло предпринимателя. М.: Международные отношения 1994, -с.50.

⁴ Бусыгин А.В. Предпринимательство, начальный курс. М.: НИРП. 1992. -с.17.

⁵ Сайитбоев Ш.Д. Источники формирования предпринимательского капитала в аграрной сфере.

Автореферат диссертации на соискание учен. степ. д.э.н. Спб. 1994, -с.23.

ажралиб туради. Ишлаб чикиришни капитал сиғимкорлиги юкори бўлмаганлиги туфайли, кичик корхоналар катта инвестицияларни талаб этмайди. Улар мини-технологияга таяниб, кенг доирада ихтисослашган бўлиб, асосан истеъмол товарлар ишлаб чикириш билан машғул бўлиб, улар ишлаб чиқарган товарлар ва кўрсатадиган хизматлар маҳаллий ва хорижий бозорларга мўлжалланган.

Кичик бизнесда банд бўлган ишбилармонлар ва тадбиркорларнинг хусусиятлари ҳакида сўз юритилганда, иктисадчи олимлар уларга хос бўлган куйидаги: ташаббускорлик, таваккалчилик, ижодкорлик, бажарилётган ишга юкори масъулиятлилик, ўз меҳнати натижаларидан моддий ва маънавий манфаатдорлик сифатларини таъкидлаб кўрсатадилар.

А.Ўлмасов: “Кичик бизнес – кишилар (мулкчилик) субъектларининг моддий ва пул маблағларини (капитални) амалда хўжалик оборотига, даромад топишга мўлжаллангандир”,⁶ деб таъкидласа, Ё.Абдуллаев, “Тадбиркорликка қонун ҳужжатларига мувофиқ, даромад олишга қаратилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан махсулот ишлаб чикириш йўли билан тавакkal килиб, ўз мулкий жавобгарлиги остида амалга ошириладиган ташаббускор фаолият” сифатида таъриф беради.⁷

Бизнингча, юкорида номлари келтирилган муаллифларнинг фикрларини умумлаштириб, куйидагича хулоса килиш мумкин: кичик бизнеснинг асосий қатлами ва ўзагини ташкил этувчи – хусусий тадбиркорлик бу мулқдан фойдаланиш натижасида доимий тарзда фойда олишга, ижтимоий эҳтиёjlарни кондириш учун махсулотлар (хизматлар, ишлар) сотишга, ишлаб чикиришга йўналтирилган мустакил фаолиятдир. Хусусий тадбиркорнинг фаолияти юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўз таваккалчилиги асосида амалга оширилади ва бу шахслар қонунда белгиланган тартибда ушбу иш учун рўйхатга олинади ва фойда олиш максадида мулкчиликнинг барча шаклидан, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан ташаббускорона фойдаланиш билан боғлангандир. Кичик бизнес қонунчилик билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият тури билан шугулланиси, фойда олишдан иборат йўналишдир. Кичик бизнес жамиятда иктисадий, сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга ёрдам берадиган тадбиркорлар синфининг пайдо бўлиши, маҳаллий бозорни зарур истеъмол товарлар ва хизматлар билан тўлдириш дәмакдир.

Кичик бизнесни бошқа соҳа субъектларидан фарқлайдиган белгиларидан бири ўз ишига, мулкига бевосита эгалик килишидир. Мазкур соҳанинг иктисадиётни ривожлантиришдаги ахамияти унинг куйидаги афзалликлари билан белгиланади:

- моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларининг самарали таксимлашишига ёрдам беради;
- янги иш ўринларини шакллантиради ва қўшимча иш жойларини ташкил этади;

⁶ Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иктисадиёт назарияси. Т.:Мехнат, 1999.-6.243

⁷ Абдуллаев Е. ва бошқалар. Тадбиркор ён дафтири: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Т.:Ўзбекистон бухгалтер ва аудиторлар ассоциацияси. 1999. -6.12

– жамиятда ижтимоий баркарорликни кафолатловчи – тадбиркорлар синфини шакллантиради, турли ижтимоий гурухлар даромадларининг табакаланишини вужудга келтирувчи иктисодий жихатдан фаол ахоли катламини шакллантиради;

– фаол тадбиркор шахсларни шакллантириб, уларга тажриба тўплаш, иш ўрганиш имкониятларини беради, технологик, техник ва ташкилий янгиликларни ишлаб чиқиша ва амалиётга жорий этишда кўл келади;

– ракобат мухитини шакллантиради ва иктисодиётнинг турли секторлари ўртасидаги ўзаро алоқани яхшилайди;

– кичик бизнес корхоналари йирик корхоналарга нисбатан бозор иктисодиёти талабларига кисқа муддат ичидаги тез мослаша олади;

– кичик бизнес корхоналаридаги меҳнатни ташкил этиш, янги техника ва юкори технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, янги ишлаб чиқариш кувватларини барпо этиб ундан самарали фойдаланиш амалга оширилади.

Шундай килиб, кичик бизнесга қуйидаги белгилар: бозор талабига тезда мослашиш; юкори иктинослашув даражаси; истикболли йўналишларда маблағларни жамлаш имкониятлари хосдир.⁸

Мамлакатимиз иктисодиётини баркарорлаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мухим ўрин тутади. Жамиятнинг ягона максад сари интилишида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти катта. Шунга кўра, 1-жадвалда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг умумий кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган.

1-жадвалда келтирилган кўрсаткичлар оркали маълум бўлмоқдаки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик миллий иктисодиётимизни ривожлантиришнинг мухим таянчи ва асосига айланган ҳолда, умумий кўринишда, мазкур соҳада йилдан-йилга юксалиш ва тараккиёт юз бераётгандигини кўриш мумкин.

Кичик бизнес тараккиёти уларга таъсир қилувчи рискларнинг микро ва макро даражада ривожланиб бориши билан белгиланади. Рисксиз бизнесни ташкил этиш мураккаб жарабён, иктисодиётда риск даражасининг кўпайиши, ўз навбатида ишбилармонлик, маълум маънода иктисодий эркинлик, эҳтиёткорлик учун тўланган ҳақдир.

Корхоналарда мавжуд бўлган молиявий рискларни, корхона молиявий фаолияти давомида фойда ёки капитални йўқотиш эҳтимолидир деб ифодалаш мумкин. Ушбу корхоналардаги молиявий рискларни бир неча турларга бўлиш мумкин, (1-расм).

⁸ Герчикова И.Н. Регулирование предпринимательской деятельности: государственное и межфирменное. Уч. пос. - М.: Консалтбанкир, 2002.

1-жадвал

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакат иктисодиётидаги ўрнини белгиловчи кўрсаткичлар⁹

T/ р	Кўрсаткичлар	2002 йил	2003 йил	2004 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил
1	Фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони (минг бирлик)	215,7	229,6	237,5	268,6	346,1	391,9
2	Кичик бизнес корхоналарининг жами корхоналарга нисбатан улуши, (фоиз хисобида)	91,9	92,9	87,8	87,0	90,1	92,8
3	Кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши, (фоиз хисобида)	34,6	35,0	35,6	38,2	42,1	45,7
4	Кичик бизнесда банд бўлганилар, (минг киши)	4965,6	5436,7	5974,9	6602,5	7258,6	7743,1
5	Кичик бизнесда банд бўлганиларнинг умумий иктисодиётда банд бўлган ахолига нисбатан улуши, (фоиз хисобида)	54,5	56,7	60,3	65,5	69,3	72,1
6	Кичик бизнеснинг маҳсулот экспортидаги улуши, (фоиз хисобида)	7,5	6,9	7,3	6,0	10,7	14,8
7	Импортнинг умумий ҳажмида кичик бизнеснинг улуши, (фоиз хисобида)	24,9	33,0	32,7	33,7	34,5	33,3
8	Ташки савдо айланишидаги улуши, жамига нисбатан (фоиз хисобида)	15,8	19,0	18,5	17,3	20,7	21,7
9	Жами товар айланишидаги улуши, (фоиз хисобида)	43,8	45,5	41,8	43,7	45,7	48,2
10	Асосий капиталга инвестицияларда кичик бизнеснинг улуши, (фоиз хисобида)	28,2	27,4	16,3	15,9	25,2	19,9

Рискларни нейтраллаштиришга икки усул билан эришилади:

- ички механизmlар ёрдамида (ички текширув ва назорат орқали);
- ташки механизmlар (сугурталаш ёрдамида).

Корхоналарда рискларни фаол равишда бошқариш, бу уларни олдиндан кўра билиш, баҳолаш, олдини олиш ва сугурталаш асосида рискларни нейтраллаштиришга харакат килишдир.

Россиялик олим В.М. Усоскин “риск доимо ноаниклик билан бирга келиб, охири ўз навбатида олдиндан кўра билиш ёки мумкин бўлмаган

⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.


вокеалар билан боғлик бўлади”¹⁰, деб изоҳлайди. Е.С.Стоянова эса, “риск — бу режалаштирилган варианта нисбатан даромад ололмаслик ёки зарар кўриш эҳтимолидир”¹¹, деб таъриф беради.



1-расм. Молиявий риск турлари¹².

Бозор муносабатлари шароитида иқтисодий эркинлик асосида фаолият кўрсатиш макро ва микро даражадаги турли хил рискларга боғлик бўлади.

Тадбиркорлик рискларини бошқариш учун рисклар маълум белгиларига кўра таснифланади, (2-расм).



2-расм. Рискларнинг таснифий белгилари¹³.

¹⁰ Усоцкин В.М. Риск-менеджмент. М.: Финансы и статистика, 2006, -с. 146

¹¹ Финансовый менеджмент. Учебник для вузов. -4-изд. Под ред. Стояновой Е. М..Перспектива, 2007. – с.123

¹² Хелдеревич К. Основы финансового анализа. Учебник. М.:Финансы и статистика,2003 -с. 72

¹³ Тадқиқот натижалари асосида диссертант томонидан тузилган.

Тадбиркорлик риски – фирманинг мураккаб, лекин ўзини оқлаган, суғуртланган, тахминлаштирилаётган рискидир. Кутилаётган оқибатларига кўра, мазкур рисклар кўлдан бой берилган имконият, йўкотишилар ёки кўшимча харажатларни ифодалаши мумкин. Бундай рисклар оқибатида зарарлар кўрилиши, кўзланган даромаднинг олинмай колиши ва хатто банкротликка учраши хам кутилиши мумкин. Умуман, хўжалик субъектлари фаолиятида юзага келувчи рискларнинг келиб чикиш сабаблари, кўлами ва оқибатларига оид белгилари, омилларига қараб туркумлаштиришнинг ўзига хос схемасини таклиф этиш мумкинки, унинг асосида риск юзага келиш мухитининг устунлиги концепцияси ётади.

Рискли шароитда қабул килинган карорлар натижасига эътиборга олиниши мумкин бўлган ҳар бир жиҳатларнинг эҳтимоли маълум бўлган карорлар киради. Бу ҳолда эҳтимоллик маълум вокеликлар содир бўлиши имкониятининг даражаси сифатида аникланади ва у «0» дан «1» гача ўлчанди. Ҳамма мукобиллар эҳтимолларининг йигиндиси «1» га тенг бўлиши керак.

Бизнинг фикримизча, рискни таҳлил этиш унинг манбалари ва сабабларини англашдан бошланади. Шу ўринда қайси манбалар ҳал килувчи аҳамиятта эга эканлигини аниклаш ва уларга нисбатан таҳлилни мужассамлаштириш мухимdir.

Рискларни аниклаш учун амалиётда турли услублардан фойдаланилади. Уларнинг ўртасида кўп тарқалган ва амалиётда кўлланиладиганлари куйидагилардан иборат:

- статистик услуб;
- эксперт услуби;
- комбинациялаштирилган услуб.

Статистик услугнинг моҳияти шундан иборатки, у ёки бу соҳада мавжуд бўлган фойда ва зарарлар статистикаси ўрганилади, у ёки бу иктиносидий хосила (кайтим)нинг ҳажми ва олиш даври аникланади ва шуларга кўра келгуси давр учун энг истиқболли эҳтимол белгиланади.

Рискни хисоблаш статистик услугининг бош дастаклари қуйидагилардан иборат:

- вариация;
- дисперсия;
- андозали чекланиш.

Таддикот ишида “ЧЕВАР” ЁАЖ мисолида, корхонада ўтган йиллар кўрсаткичлари асосида ва кейинги йиллар учун ўзларининг қабул киласётган инвестицион карорлари баҳоланди. 2007 йилгача бўлган давр учун корхонанинг ўртacha рентабеллигини аниклаш қуйидаги 2-жадвалда келтирилган:

2-жадвал

“ЧЕВАР” ЁАЖнинг иктиносидий рентабеллик кўрсаткичлари¹⁴

Кўрсаткичлар	1998 й.	1999 й.	2000 й.	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.
1. Иктиносидий рентабеллик, (фоиз хисобида)	9	14	14	8	15	17	17	10	14	22
Ўртacha иктиносидий рентабеллик	=	$9+14+14+8+15+17+17+10+14+22$							=	14%
		10								

Тахлилларимиз кўрсатишича, 10 йил давомида “ЧЕВАР” ЁАЖ иктиносидий рентабелликнинг 22 фоизли даражасига факат бир марта эришган бўлиб, ушбу даражадаги рентабелликка эришишнинг эхтимоли 0,1 га тенгдир. Ўтган давр мобайнида 14 фоизли рентабеллилик даражаси уч марта кузатилиб, ушбу даражага эришишнинг эхтимоли 0,3 га тенг. Бунда,

$$\begin{array}{lcl} \text{Ўртacha} \\ \text{иктиносидий} & = & 0,9\% \times 0,1 + 14\% \times 0,3 + 8\% \times 0,1 + 15\% \times 0,1 \\ \text{рентабеллилик} & & = 0,1 + 17\% \times 0,2 + 10\% \times 0,1 + 22\% \times 0,1 \\ & & = 14\% \end{array}$$

Шундай килиб, риск даражасининг статистик услуби, ўз навбатида, кўп микдордаги ракамлар бўлишини талаб этади. Маълумки, ушбу айрим ракамлар тадбиркорлар ихтиёрида бўлмаслиги мумкин. Бундан ташкири ушбу ракамларни тўплаш ва уларни хисоб-китоб килиш уларга анча кимматга тушиши хам мумкин. Амалиёт кўрсатишича, агар маълумотлар етарли бўлмаса ёки йўқ бўлса, риск даражасини хисоблашнинг бошқа усуllibарига мурожаат килиш лозим.

Риск даражасини хисоблашнинг иккинчи услуби эксперт услубидир. Риск даражасини хисоблашда эксперт услуби кўлланилганда тажрибали тадбиркорлар ва мутахассисларнинг фикрлари хисобга олинади. Бу жараёнда эксперталар ўзларининг фикрларини билдириб, кўрилиши мумкин бўлган зарарлар ҳажмининг вужудга келиш эхтимоли тўғрисидаги аник ракамлардан фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир. Шу билан биргаликда, йўл кўйилиши мумкин бўлган ва критик риск эхтимолининг эксперт баҳосига эга бўлиш ёки ушбу тадбиркорлик фаолияти жараёнда зарарлар эхтимолини оддий баҳолаш орқали хам хисоблаш мумкин.

Молия бозоридаги операцияларни бажариш ва улар ҳажмини оширишдан мақсад кимматли көғозлар ва пул бозорини ривожлантириш, капитал бозор орқали ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва республикамизнинг экспорт салоҳиятини ошириш, хорижий инвесторларни жалб килишдан иборатдир.

¹⁴ “ЧЕВАР” ЁАЖ бухгалтерия хисоби маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Риск микдори сон ўлчови бўлиб, ходисанинг (натижанинг) ўртача кутилаётган микдоридир, уни куйидаги кўринишда ифодалаш мумкин:

$$X = \sum_{i=1}^n p_i x_i, \quad (1)^{15}$$

бунда x – ўртача кутилаётган микдор;

x_i – i -натижанинг абсолют микдори;

p_i – i -натижанинг содир бўлиш эҳтимоли;

n – натижа воситалари сони.

Рискни баҳолашнинг бошка кўрсаткичлари хам мавжуд бўлиб, улар ўзгарувчанлик катталиги (микдори), яъни мумкин бўлган натижанинг ўртача квадратик четлашиши ва дисперсия кўрсаткичларидан иборатдир:

$$\sigma = \sqrt{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})^2 / n} \quad (2)^{16}$$

бунда, σ – ўртача квадратик четлашиш,

$$\sigma^2 = \sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})^2 / n \quad (3)^{17}$$

бунда, σ^2 – дисперсия.

Бошка белгилаш (2 ва 3) формуладаги каби дисперсия ва ўртача квадратик четлашиш мумкин бўлган молиявий натижаларнинг мутлақ тебранувчанлигини характерлайди.

Киёсий баҳолаш учун нисбий тебранувчанлик коэффициенти жуда фойдалидир, булар: вариация коэффициенти ва бета коэффициентидир.

Вариация коэффициенти (V) куйидаги формула орқали аникланади:

$$V = \sigma / \bar{x} \quad (4)$$

Бета коэффициенти (β) кимматли қоғозларга кўйилмалар рискини баҳолаш учун кўлланилади ва у куйидагича топилади:

$$\beta = \Delta / \Delta_i \quad (5)$$

бунда, i – кимматли қоғозлар курсининг ўзгариш фоизи;

Δ – фоиз бозоридаги операциялар курсларининг ўзгариш фоизи.

Вариация коэффициентининг 10% гача микдорини тебранувчанлиги заиф ҳисобланади, 10-25% гача нормал, 25% дан юкориси яхши ҳисобланади.

Рискни бошқариш фаолияти менежмент соҳасида жадал ривожланиб бораётган профессионал фаолият ҳисобланади.

Корхоналарда рискни бошқариш куйидаги фаолиятларни ўз ичига олади:
– рискини аниклаш, таҳлил килиш ва унинг даражасини баҳолаш;

¹⁵ Шеремет А.Д., Негашев Е.В. Методика финансового анализа. Москва. 2004. -С.87.

¹⁶ Бочаров В.В. Финансовой анализ. СПб.Питер. 2002. -С. 88.

¹⁷ Бочаров В.В. Финансовой анализ.СПб. Питер, 2002. -С.88.

– рискдан огохлантирувчи тадбирларни ишлаб чикиш, уни минималлаштириш ва сугурталаш тадбирларини белгилаш;

– риск оқибатида кўрилган зарарларни қоплаш ва корхонани тиклаш йўлини излаш.

Рискни бошқариш стратегиясини амалга ошириш механизми қуидагилардан иборат:

– қабул қилинадиган қарорларни самарали баҳолаш ва уни назорат киши тизимини яратиш;

– корхонада рискни бошқариш учун маҳсус бўлим ташкил килиш ёки маъсул шахс тайинлаш;

– рискни сугурталаш, зарар ва йўқотишларни қоплаш учун маҳсус маблағлар ва захиралар ажратиш.

Корхоналарда рискни бошқаришда асосан икки усул кўлланилади:

– рискдан огохлантириш ва уни чегаралаш усули;

– зарарни қоплаш усули.

Риск даражасини пасайтириш, унинг содир бўлиш эҳтимоллиги ва йўқотиш микдорини камайтириш, молиявий рискни ҳал қилишнинг аниқ бир воситасини танлашда инвестор қуидаги шартларга эътибор бериши зарур бўлади:

- ўз капитали имкониятидан ортиқ рискка йўл қўймаслик;

- риск оқибатларини унумтаслик;

- кам нарса учун кўп нарса билан рискка йўл қўймаслик.

Биринчи шартга амал қилиш шуни билдиради, капитал қўйишдан олдин инвестор қуидагиларни кўзда тутиши лозим:

– мавжуд риск бўйича кутилаётган максимал даражадаги зарар микдори;

– қўйилаётган капитал микдори билан зарарни таққослаш;

– зарарни барча мавжуд ўз молиявий ресурслари билан таққослаш ва ушбу зарар инвесторни банкротликка олиб келиш-кељмаслигини аниклаш.

Капитал қўйилмалардан олинадиган зарар микдори ушбу капитал микдорига teng бўлиши мумкин. Тўғридан-тўғри инвестицияларда зарар микдори одатда венчур капитали ҳажмига teng бўлади. Портфелли инвестицияларда эса кимматли коғозларни сотиб олишда, уларни иккиласмачи бозорда сотиш мумкинлиги туфайли, зарар микдори одатда сарфланган, капитал микдоридан кам бўлади. Максимал олиниши мумкин бўлган зарар микдори ва ўз молиявий ресурслари микдорининг нисбати банкротликка олиб келувчи риск даражасини акс эттиради.

У риск коэффициенти ёрдамида ўлчанади:

$$K_p = \frac{Y}{C}, \quad (6)$$

бунда, K_p – риск коэффициенти;

Y – зарарнинг максимал даражаси;

C – ўз молиявий ресурсларининг ҳажми.

Риск билан боғлиқ бўлган тадбирларни муаллиф томонидан тадқик килиниши, риск коэффициентининг оптималь микдори 0,3 ни ташкил этади, банкротликка олиб келувчи риск коэффициенти эса 0,7 ва юкорини ташкил этади, деб хуласа чиқариш имконини беради.

Иккинчи шартни амалга ошириш заарарнинг мумкин бўлган максимал жаҳмини била туриб, инвестор бу нимага олиб келиши мумкинлигини аниклаши, рискнинг эҳтимоллиги ва ушбу тадбирдан бош тортиш карори қабул килиниши талаб этилади.

Учинчи шартни амалга ошириш молиявий рискка ўтказишда яққол намоён бўлади. Ушбу ҳолатда, инвестор ўзи учун маъкул бўлган сугурта суммаси ва мукофот нисбатини белгилаб олиши зарур. Сугурта мукофоти — бу сугурталанувчидан сугурта риски учун сугурталовчига тўланадиган тўловдир. Сугурта суммаси — моддий бойликларнинг сугурталанган пул суммасидир.

Молиявий риск даражасини камайтириши учун амалиётда куйидаги усуулардан фойдаланилади: диверсификациялаш, танлов ва натижалар ҳакида кўшимча информация олиш, сугурталаш, хеджирлаш.

Диверсификация — бу инвестицион рискни ёйиш, яъни инвестиция килинаётган маблагларни бевосита бир-бири билан боғлик бўлмаган объект ўртасида таксимлаш. Диверсификация принципи асосида фаолият юритувчи сифатида инвестицион фондларни мисол келтириш мумкин. Улар дастлаб ўз акцияларини сотишади, олинган маблаглар турли кимматли қоғозларга кўйилди ва улар баркарор ўртача даромад келтиради. Диверсификация рискнинг бир кисмидан четлаб ўтиш имкониятини беради. Бунда капитал турли хил фаолиятлар ўртасида таксимланади.

Диверсификация инвестицион рискни умуман йўкота олмайди. Тадкикотлар кўрсатишича, тадбиркорлик ва инвестицион фаолиятга ташки омиллар ҳам жиддий таъсир кўрсатади.

Ташки омиллар бутун молия бозорига таъсир этади, шу жумладан, инвестицион институтларнинг фаолиятига таъсир этади. Ташки омилларга бутун бир мамлакат иктисадиётида содир бўлаётган куйидаги жараёнлар киради: ҳарбий ҳаракатлар, инфляция ва дефляция, Марказий банк хисоб ставкасининг ўзгариши, тижорат банкларининг депозит ва кредитлар бўйича фоиз ставкасининг ўзгариши.

Амалиёт кўрсатишича, инвестор капиталлар айланмаган ва чекланмаган маълумотга асосланган ҳолда ҳам карор қабул киласди. Табиийки, агар инвесторда тўлиқрок маълумот мавжуд бўлганида у аниқрок прогноз қилган ва риск даражасини камайтирган бўлар эди. Бу эса, маълумотларни инвестор катта миқдорда пул тўлашга тайёр бўлган товарга айлантиради. Шундай экан, маълумотлар олиш учун маблағ сарфлаш тадбиркорлик соҳасига айлантирилади.

Лимитлаш — бу лимитни белгилаш, яъни ҳаражатлар чегарасини белгилаш, сотувчи учун кредитнинг юкори чегарасини белгилашдир. Лимитлаш риск даражасини туширишда мухим восита хисобланади ва у банклар томонидан овердрафт шаклидаги ссудалар беришда; хўжалик субъектлари томонидан товарларни кредиттга сотишида; инвестор томонидан капитал кўйилма суммасини аниклашда ва бошқа ҳолларда қўлланилади.

Молиявий рискларни сугурталаш рискнинг даражасини камайтиришнинг кенг тарқалган усууларидан биридир. Сугурталаш жараёнда сугурта

фондининг ташкилотчилари ўртасида маблаглар таксимланиши юз беради. Бир ёки бир неча сугурталанувчиларнинг зарарини коплаш зарарни барча сугурталанувчилар ўртасида таксимлаш оркали юз беради. Тўловларни амалга оширган сугурталанувчилар сони зарар кўрганлар сонидан кўпдир:

III. ХУЛОСА

Диссертация ишида бозор муносабатлари шаклланиши шароитида кичик бизнес корхоналари молиявий фаолияти баркарорлигини таъминлашда рискларни бошқариши такомиллаштиришга каратилган кўйидаги илмий хуросалар олинди.

1. «Кичик бизнес корхоналари молиявий фаолияти» тушунчасини тор ва кенг маънода ифодалаш мумкин. Тор маънода кичик бизнес корхоналари молиявий фаолияти алоҳида олинган кичик корхона, хусусий фирма ёки тадбиркорликнинг бошқа шакллари молиявий фаолиятидан иборат. Кенг маънода «кичик бизнес корхоналари молиявий фаолияти» тушунчаси ижтиёмий такрор ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатаётган, бир-бiri билан узвий боғлиқ бўлган кичик бизнес корхоналарининг молиявий фаолиятини ифодалайди.

2. Риск асосланмаган бизнесни ташкил этиш мушкул бўлгани учун, иктисиёдта риск даражасининг кўпайиши, ўз навбатида тадбиркорлик фаолиятини эркинлашуви хисобланаб, маълум маънода иктисодий эркинлик, ихтиёрийлик учун тўланган ҳақдир.

3. Иктисодий эркинлик, мулкчилик хукуки, ракобат ва бошқа бозор атрибулари мавжуд бўлган холда иктисиёд самарали бўлиши мумкин. Хорижий давлатлар амалиётидан маълумки, бозорнинг мухим атрибуларидан бири – бу иктисодий эркинлик хисобланади. Бозор муносабатлари шароитида иктисодий эркинлик асосида фаолият кўрсатиш макро ва микро даражада турли хил рискларга боғлиқ бўлади.

4. Риск мөхиятини аниқлашда муайян қийинчиликлар билан тўқнашилади. Ушбу муаммога турли хил ёндашишлар ва фикрлар мавжуд. Риск танланган қарорларни амалга оширишининг иктисодий, сиёсий, маънавий соҳадаги ижобий ва салбий натижалари эҳтимоллигининг йигиндиси сифатида майдонга чиқади. Шу билан бирга риск новаторлик, инновацион иктисодий фаолият билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Ҳўжалик юритувчи субъект доимо «риск холатида» бўлади. Ушбу ҳолат амалга оширишининг турли хил эҳтимоллигини камраб олувчи катор варианtlардан бирини танлашнинг доимий талаби мавжуд бўлган бозор иктисиёдига хосдир. Бозор иктисиёдти етарли даромадлиликни рағбатлантиради. Бозор иктисиёдти шароитида даромадлиликни олдиндан белгилаш товар ишлаб чиқариш қонунлари билан чегараланади. Рискни аниқлаш ҳўжалик юритувчи субъектнинг мавжуд ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланишини моделлаштириш оркали мавжуд варианtlардан муқобилини танлаш ва амалга ошириш йўли билан риск холатини ҳал этиш имконини беради.

5. Рискларни бошқариши ташкил этиш самарадорлиги аксарият холларда рисклар таснифи билан аниқланади. Келиб чикишига кўра, рисклар

иккита катта гурухга: соф ва спекулятив рискларга бўлинади. Соф рисклар салбий натижанинг олдини олиш имконини англатади. Унинг таркибига экологик, сиёсий, табиий, транспорт ва тижорат рисклари киради. Спекулятив рисклар салбий натижаларнинг олдини олиш имкониятида намоён бўлиб, молиявий рисклардан иборатдир.

6. Рисклар уларнинг пайдо бўлишининг сабабларига боғлиқ холда бўлинади. Бу рисклар табиий, экологик, сиёсий, транспорт, тижорат рискларидир.

7. Корхона фаолияти рискларининг алоҳида турлари бир-бирини копловчи “умумий доира”га эга. Кичик бизнес корхоналари фаолиятининг турли жабҳалари уларнинг молиявий натижаларига таъсир килади. Шунга кўра, кичик бизнес корхонаси бир фаолият туридан фойда, бошқасидан эса зарар кўриши мумкин. Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кичик бизнес корхонасида молиявий барқарорликни таъминлашнинг туб мақсади корхона капитали бозор қийматининг ўсиб боришини таъминлашдан иборат. Шундай экан, кичик бизнес корхоналари молиявий барқарорлиги таъминлашни такомиллаштириш ўзаро баглиқ икки муаммони ҳал этишни талаб қилади:

- **биринчидан**, корхона фаолияти турли соҳалари ва бўлимларининг оператив-молиявий мустакиллиги, масъулиятини ошириш;

- **иккинчидан**, ҳар кандай ўзгарувчан шароит ва омиллар таъсири натижасида корхона молиявий натижаларининг яхшиланишига эришиш.

8. Рискларни нейтраллашдан бош мақсад – мумкин бўлган рискларни хисобга олган холда, рискларнинг салоҳияти афзалликларидан фойдаланиш хисобига корхоналарнинг иқтисодий ривожланишини кафолатлаш ва таъминлашдан иборатдир.

Тадқиқот жараёнида кичик бизнес корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлашда рискларни бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган куйидаги амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

биринчидан, кичик бизнес тизимининг бир меъёрда мунтазам ривожланишини таъминлаш зарур. Кичик бизнес ишлаб чиқариш фонdlари ва инвестицияларни таъминлаш зарур. Кичик бизнес ишлаб чиқариш, технологик таркибини яхшилаш, фойдаланинг ушбу мақсадларга ишлатилишини ҳар томонлама кўллаб-куvvatлаш ва рағбатлантириш керак;

иккинчидан, корхона инновацион фаолиятини рағбатлантириш зарур. Рақобатбардош ва жаҳон бозоридаги талабга жавоб берувчи маҳсулотлар яратувчи ишлаб чиқариш турларига нисбатан имтиёзли шартларда инвестициялар жалб этиш мақсадга мувоғик;

учинчидан, кичик бизнес корхоналарида солик механизмидаги солик юкини хисоблашда ва таҳлил килишда куйидагиларни эътиборга олиш зарур:

- ундириб олинаётган барча соликларнинг фойдага нисбатан салмоғини ишлаб чиқариш ҳажмига, фойда ва миллий даромад динамикасига нисбатан киёсий таққослаш;

- солик оғирлигини тармоклараро ёки алоҳида танлаб олинган корхоналар ўртасида тақсимлаш;

- таннарх таркибини хисоблашни такомиллаштириш;
- кичик бизнес корхоналарининг солик имтиёзларидан қандай тарзда фойдаланаётганлик даражасини аниклаш;

тўртингидан, Ўзбекистон Республикасида тўлаконли молиявий ресурслар бозорини шакллантириш учун иктисодий, хукукий асос яратиш ва унда кичик бизнес корхоналарининг фаол иштирокини, тараккий этган давлатлардаги каби инвестиция бозорида амал килувчи барча объектлардан кенг фойдаланишин тъминлаш зарур;

бешинчидан, кичик бизнес корхоналарини кредитлаштиришда тижорат банкларининг банкдан ташқари кредит муассасалари билан ўзаро муносабатларини такомиллаштириш керак, чунки маҳсус кредит муассасалари маблағларини кредит йўллари асосида тижорат банклари томонидан берилиши қатор муаммоларни келтириб чиқари. Ушбу муаммолар банкдан ташқари кредит муассасалари билан тижорат банклари ўртасида кичик бизнес корхоналарини кредитлаштиришда рақобат мухитини яратиш орқали ҳал этилиши лозим;

олтинчидан, маълумки тадбиркорлик фаолиятини кредитлашда тижорат банклари орқали маълум миқдордаги нақд пул кредит кўринишида берилади. Кредит муассасалари қачонки кичик бизнес корхоналари, тадбиркорлар ва бошқа субъектларни пул маблағларини кўпроқ банкларга кўйишдан манфаатдор кила олгандагина, нақд пул билан кредит беришни йўлга кўйиши мумкин;

еттингидан, мамлакатимизда маҳсус кредит муассасаларининг кичик бизнес корхоналарини кредитлашдаги ўрнини фаоллаштириш лозим;

саккизингидан, тараккий этган давлатларда кичик бизнес корхоналарининг ташқи иктисодий фаолияти хукумат томонидан бевосита кўллаб-куватланади. Бунда, асосан, мазкур корхоналарга банк кредитлари ва ўз маблағлари хисобидан ҳалкаро операциялар кўлами кенгайтирилишига имконият яратилади. Тараккий этган давлатларда кичик бизнес корхоналари йирик корхоналар атрофида «жамланадилар» ҳамда уларнинг ташки иктисодий алоқалари асосан таркиб топган, мукаммал йирик корхона томонидан, биргаликда амалга ошириб борилади. Ривожланаётган давлатларда эса, ушбу корхоналар ташки иктисодий фаолиятини амалга ошириш учун кооперативларга ёки бошқа кўринишдаги хўжалик биримларига бирлашадилар. Фикримизча, мамлакатимиз реал имкониятлари ва салоҳиятидан келиб чиқиб, хорижий давлатларда кичик бизнес корхоналарини ташки иктисодий фаолиятларини амалга ошириш усулларини жорий этиш мақсадга мувофиқидир;

тўққизингидан, кичик бизнес корхоналари иктисодий тизимнинг тенг хукукли аъзолари сифатидаги фаолиятини белгиловчи хукукий, иктисодий, инвестицион шароитларнинг амал килинишини тъминлаш зарур;

ўнинчидан, тадбиркорларни ва кичик бизнес корхоналарини турли кутилмаган ҳолатлардан ҳимоялаш мақсадида корхоналарда рискларни бошқаришнинг илғор динамик услубларини кўллаш зарур;

ўн биринчидан, суғурталаш хўжалик субъектлари ва фукаролар мулкий манфаатдорлигини маълум бир баҳтсиз ходисалардан ўзлари тўлаган аъзолик бадаллари хисобига шаклланган пул фонди хисобидан ҳимоялаш бўйича

муносабатларни англатади. Суғурталашда суғурта иштирокчилари хукук-мажбуриятларини тўлиқ таъминланиши ва бажарилиши зарур;

йн иккинчидан, хеджирлаштириш валюта таваккалчилигини суғурталаш усулидир, бунда валюта курсларининг салбий тарафга ўзгариши натижасида кўрилиши мумкин бўлган зарарлардан химояланиш таъминланади. Фикри-мизча, мамлакатимизда кичик бизнес субъектларининг свот, европ, форвард каби валюта операцияларини амалга оширишдаги фаол иштирокини таъминлаш ва бунда хеджирлаш операцияларини қўллаш зарурдир;

йн учинчидан, рискларни трансфер килиш масаласи бизнинг мамлакатимизда кенг тарқалмаган. Назаримизда, мамлакатимизда кичик бизнес корхоналари ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида рисклардан химояла-нишнинг трансфер усулини кенг тарғиб этиш зарур, ушбу йўл билан биз рискларнинг бир корхонага тўғри келувчи ҳажмини камайтиришга эришамиз, трансфер иштирокчиларининг мазкур операциялардан қўшимча даромад олишларига имконият яратилади;

йн тўртинчидан, рискларнинг корхоналар фаолиятига салбий таъсирини камайтиришга эришиш мақсадида уларнинг шаффоф, объектив таснифини амалиётда қўллашни мақсадга мувофик деб хисоблаймиз.

IV. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримова К.Д. Корхоналарнинг молиявий баркарорлигини таъминлашда рискларни бошқариш // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2007.-№8.- б. 16-17.
2. Каримова К.Д. Корхоналар фаолиятида риск // Ўзбекистон кишлок хўжалиги. – Тошкент, 2007.- №11.-б.29.
3. Каримова К.Д. Корхоналар молиясини бошқаришда риск омили // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2007.-№4.-б.93-95.
4. Каримова К.Д. Рискларни бошқариш услубиёти ҳам маҳоратни, ҳам масъулиятни талаб этади // Солик тўловчининг журнали. – Тошкент, 2007. - №9.- б. 27-29.
5. Каримова К.Д. “Факторы, влияющие на уровень развития малого бизнеса в Республике Узбекистан ”// Экономика и Финансы. – Москва, 2008.- №8 –с.53-56.
6. Каримова К.Д. Корхоналар фаолиятида риск омили // Поддержка предпринимательской деятельности в высшем образовании: материалы международной научно-практической конференции. – Ташкент, 2007. – с.139-142.
7. Каримова К.Д. Факторы, влияющие на уровень развития малого бизнеса // Роль малого бизнеса и частного предпринимательства в повышении занятости населения: материалы республиканской научно-практической конференции. – Ташкент, 2008. - с.56-59.

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Каримова
Комила Данияровнанинг 08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”
ихтиосолиги бўйича “Кичик бизнес корхоналари молиявий
баркарорлигини таъминлашда рискларни бошқариш” мавзусидаги
диссертациясининг**

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: кичик бизнес субъектлари, молиявий натижалар, молиявий холат, молиявий баркарорлик, тадбиркорлик рисклари, молиявий риск, кредит риски, валюта риски, рискларни диверсификациялаш, рискларни суғурталаш.

Тадқиқот обьекти: миллий иктиносидётда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари.

Ишнинг мақсади: кичик бизнес корхоналари молиявий баркарорлигини таъминлашда рискларни самарали бошқаришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишидан иборат.

Тадқиқот методлари: киёсий тахлил, тизимли баҳолаш, гурухлаш, иктиносидий-статистик тахлил.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: иктиносидётнинг реал секторида баркарор иктиносидий ўсишни, кичик бизнес субъектлари молиявий баркарорлигини таъминлашга қаратилган рискларни самарали бошқариш стратегияси ишлаб чиқилди; кичик бизнес корхоналарининг молиявий баркарорлигини таъминлашда рискларни бошқариш бўйича тараққий этган мамлакатларнинг илғор тажрибасини Ўзбекистонда ижобий кўллаш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқилди; кичик бизнес корхоналари солик юкини аниқлаш бўйича алоҳида услуга таклиф этилди; кичик бизнес субъектлари рискларини диверсификациялашнинг назарий асослари тахлил этилди; корхона фаолиятига таъсир этувчи рисклар таснифи ва тахлилининг услубиёти ишлаб чиқилди; рискларни суғурта механизми орқали камайтиришнинг истиқболлари аниқланди.

Тадқиқот ишининг илмий-амалий аҳамияти: илмий таклиф ва амалий тавсиялардан иктиносидётнинг реал секторида баркарор иктиносидий ўсишни, кичик бизнес субъектлари молиявий баркарорлигини таъминлаш мақсадида рискларни самарали бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиша фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иктиносидий самарадорлиги: Тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, ракобат ва тадбиркорликни кўллаб-куватлаш давлат кўмитаси, АТБ “Микрокредитбанк” томонидан мъзкулланган ва амалиётга жорий этиш учун кабул килинган. Тадқиқот материалларидан олий ўкув юртларида “Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари”, “Рискларни бошқариш” маҳсус курслари ўкув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланилмоқда.

Қўлланиш соҳаси: Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, ракобат ва тадбиркорликни кўллаб-куватлаш давлат кўмитаси, тижорат банклари, олий ўкув юртлари.

РЕЗЮМЕ

**на диссертацию Каримовой Комилы Данияровны по теме:
“Управление рисками в обеспечении финансовой устойчивости
предприятий малого бизнеса” на соискание ученой степени кандидата
экономических наук по специальности 08.00.07 – “Финансы, денежное
 обращение и кредит”**

Ключевые слова: субъекты малого бизнеса, финансовые результаты, финансовое положение, финансовая стабильность, предпринимательские риски, финансовый риск, кредитный риск, валютный риск, диверсификация рисков, страхование рисков.

Объект исследования: субъекты малого бизнеса, функционирующие в национальной экономике.

Цель работы: разработка научных предложений и практических рекомендаций для эффективного управления рисками в целях обеспечения финансовой устойчивости предприятий малого бизнеса.

Методы исследования: сравнительный анализ, системная оценка, группировка, экономико-статистический анализ.

Полученные результаты и их новизна: разработаны стратегия управления рисками предприятий малого бизнеса с учётом задач обеспечения устойчивого экономического роста в реальном секторе экономики, финансовой стабильности субъектов малого бизнеса; были оценены возможности применения передового зарубежного опыта по риск-менеджменту в Республике Узбекистан; разработаны предложения по диверсификации рисков предприятий малого бизнеса; разработаны предложения по устранению отрицательного влияния постоянно возникающих рисков в экономической деятельности субъектов малого бизнеса; разработаны практические рекомендации, направленные на эффективные меры управления рисками в целях обеспечения финансовой стабильности предприятий малого бизнеса.

Практическая ценность: предложения и рекомендации можно использовать в разработке стратегии эффективного управления рисками в целях обеспечения финансовой стабильности предприятий малого бизнеса.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследования приняты для внедрения в практику Торгово-промышленной палаты Республики Узбекистан, Государственным комитетом по демонополизации, развитию конкуренции и поддержке предпринимательской деятельности Республики Узбекистан, АКБ «Микрокредитбанк». Материалы исследования используются в совершенствовании учебных программ и при преподавании специальных курсов «Основы предпринимательства и малого бизнеса», «Управление рисками» в высших учебных заведениях.

Область применения: Торгово-промышленная палата Республики Узбекистан, Государственный комитет по демонополизации, развитию конкуренции и поддержке предпринимательской деятельности, коммерческие банки, высшие учебные заведения.

RESUME

for dissertation of K.D.Karimova “The management of risks in supporting financial stability of small-scale business enterprises” for getting the scientific degree of the Candidate of the Economic Sciences, speciality 08.00.07 – finance, monetary circulation and credit.

Keywords: Subjects of small-scale business enterprises, financial results, financial situation, financial stability, entrepreneurial risks, financial risk, credit risk, currency risk, diversity of risk, risk transfers.

Subject of inquiry: Subjects of small-scale business enterprises functioning in national economy.

Aim of work: Development of scientific suggestions and practical recommendations in effective management of risks in supporting financial stability of small-scale business enterprises.

Methods of inquiry: Economical statistical analysis, clustering and comparative analysis, abstract-logical thinking, expert judgment, the methods of social prediction.

The received results and their novelty: The strategies of management of risks in small-scale business enterprises with a glance to goals of supporting economic growth in real sector of economy were worked out; abilities of using in Republic of Uzbekistan advanced foreign experience per risk-management have been estimated; the suggestions on diversity of risks of small-scale business enterprises were worked out; the suggestions on elimination of negative influence of constant risks in economic activities of subjects of small-scale business enterprises were worked out; the practical recommendations directed toward effective methods of management of risks in supporting financial stability of small-scale business enterprises have been worked out.

Practical value: The suggestions and recommendations can be used in development the strategies of effective management of risks in supporting financial stability of small-scale business enterprises.

Degree of introduction and economic efficiency: The results of research were accepted for introduction into practice by Commercial and Industrial Chamber of Republic Uzbekistan, the State committee of antimonopoly, rivalry and support of entrepreneurial activity of Republic Uzbekistan and Joint-stock commercial bank “Mikrocreditbank”. The materials of research are being used in higher educational institutions to develop educational programs and teaching process on subjects “Bases of business and small-scale business”, “Management of risks”.

Range of application: Commercial and Industrial Chamber of Republic of Uzbekistan, the State committee of the demonopolization, development of a competition and support of enterprise activity, commercial banks, higher educational institutions.

Таджикотчи:



Босишга рухсат этилди	13.12.08
Көгөз бичими	30x42
Хисоб-нашр табоги	1,75 б.т.
Алади	100
Буюртма	№ 234

**Тошкент Молия институти босмахонасида
ризография усулида чоп этилди. 100084, Тошкент
Кичик халқа йўли, 7-уй**